ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
қуйидаги лавозимларга

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**ДОЦЕНТ:**

зоология — I;

одам ва ҳайвонлар физиологияси — I. (биология фанлари доктори ёки номзоди).

**КАТТА ЎҚИТУВЧИ:**

зоология — I. (биология фанлари номзоди).

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Тошкент вилоят давлат педагогика институти кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Бизнинг адрес: Ангрен шаҳри, 702500, 8-даҳа, 1-В уй. Кадрлар бўлимига.



*Нафосат бўстони*

# ГЎЗАЛЛИКНИ СЕВГАН МЕҲНАТНИ ҚАДРЛАЙДИ

Меҳнат тарбиясида ўқувчиларда меҳнатга ва ижтимоий мулкка виждонан муносабатда бўлиш, ижодий фаолликни ривожлантириш, уларда онгли интизомни ва уюшқоқликни тарбиялаш, меҳнат малакалари ва кўникмаларини вужудга келтириш, уларни меҳнат кишиларини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш муҳим ўрин тутади. Ўқувчиларда мазкур хислатларни таркиб топтиришда фақат меҳнат дарсларигина эмас, шу билан бирга тасвирий санъат дарслари ҳам катта аҳамиятга эга.

Тематик расм солиш дарслари, чунончи «Ўқувчиларнинг кузги ишлари», «Паррандачилик фабрикасида», «Тракторда ишлаш», «Гаражда», «Ҳосил йиғими», «Мактаб участкасида», «Далада ишлаш», «Молхона», «Бизнинг янги қурилишларимиз», «Колхозга ёрдам», «Заводда», «Колхоз устахонасида» сингари дарслар меҳнат тарбиясининг бир қанча вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам беради. Масалан, мен тасвирий санъат ўқитувчиси сифатида қурилишга қилинган «Бизнинг янги қурилишларимиз» мавзуидаги экскурсия жараёнида ўқувчиларни фақат буюмларнинг шакли, ранги, тузилиши билан таништириб қолмай, ишчилар ва хизматчиларнинг, бизнинг уйларимизни қурган бинокорларнинг биргаликдаги ижодий меҳнати ҳақида ҳам сўзлаб бераман.

Маълумки, тематик расм солиш дарсларида болалар эртаклар, достонлар, қиссалар, масаллар, шеърларнинг мазмуни ва руҳига мос расмлар чизадилар. Тасвирий санъат дастури ўзбек халқ эртаги «Зумрад билан Қиммат», рус халқ эртаги «Шолғом», «Золушка», И. Криловнинг «Эшак ва Булбул» масали, П. Бажовнинг «Тош гул» эртаги ва бошқа асарларга мос расмлар чиздиришни назарда тутади. Мазкур асарлар болаларни ҳалол меҳнатни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, уларга меҳнат қилишнинг зарурлиги, меҳнатсевар бўлиб етишиш, меҳнат аҳлини эъзозлаш каби хислатларни сингдиришга ёрдам беради.

Аслига қараб ва тақдим этиш бўйича расм чизиш жараёнида ўқувчиларнинг диққатини турмушдаги ва табиатдаги буюмлар меҳнат кишиларининг виждонан қилган ишларининг натижаси эканлигига қаратиш зарур. Тасвирий санъат ўқитувчиси А. Бобоқулов (Нарпай район 31-мактаб) буни ўқувчиларга қуйидагича тушунтиради: «Болалар, бу ажойиб мазали, хилма-хил ранглар билан товланиб турган узум, анор, қовун ва бошқа мевалар оддий қишлоқ меҳнатчилари қўли билан яратилган. Бу мевалар ширин-шакар мазали бўлиши учун кишилар куч-қувватларини аямай кўп кунлар ва тунлар мобайнида меҳнат қилишган. Фақат ўзлари учун эмас, балки сиз билан биз учун ҳам меҳнат қилаётган ана шу кишилар меҳнатини ҳурмат қилинг».

Ўқувчиларда меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш ҳам меҳнат тарбияси ва таълимининг вазифасига киради. Бундай хислат кўпроқ тематик ва манзарали расмлар учун ҳам анъанавий ҳисобланади.

Ўқувчилар амалий санъатнинг ҳар хил турлари бўйича тўгарак машғулотларида амалга оширадиган қизғин ишлари туфайли уларда турли касбларга, халқ ҳунарлари ва касб-корларига меҳр ва муҳаббат уйғонади, улар билан шуғулланиш иштиёқи пайдо бўлади.

Буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни меҳнатга, касб танлашга руҳий ва амалий жиҳатдан тайёрлаб боришга қаратилгандир. Шуниси муҳимки, ана шу машғулотларда ўқувчиларда эстетик дид ва эстетик идеал шаклланади, меҳнатнинг гўзаллиги, халқ усталари қўли билан яратилган ажойиб манзарали-амалий санъат асарларининг маънавий қимматини намоён бўлади.

«Ўзбек миллий кийимлари» деган манзарали-амалий санъат мавзуини ўтиш вақтида меҳнатнинг ва меҳнатга ижодий муносабатда бўлишнинг аҳамиятини кенг равишда очиб бериш имкони туғилади. Манзарали-амалий санъат буюмларини бутун синфга намойиш қилганда ўзбек халқининг бундай қадимий амалий санъати фақат ўзимизда қадрланиб қолмасдан, балки бутун дунёда ҳам томошабинларнинг зўр таҳсинига сазовор эканлиги тушунтирилади.

5-синфда «Ўзбекистоннинг меъморчилик ёдгорликлари» мавзуини ўтишда ўқитувчи Х. Фахриддин (Нарпай район 16-мактаб) болаларни Ўзбекистон меъморчилигининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирибгина қолмасдан, шу билан бирга уларни меҳнат аҳлини чуқур ҳурмат қилиш руҳида тарбиялайди. У Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа қадимий шаҳарларидаги ажойиб ёдгорликлар халқ усталарининг ўз касбига, санъатига меҳр-муҳаббати, ҳурмати, ҳалол ва виждонан қилган меҳнати туфайли аллақачонлардан бери бутун жаҳонга довруғи кетган хазиналар қаторидан жой олганлигини сўзлаб беради.

Ўқитувчининг ҳозирги Ўзбекистоннинг замонавий меъморчилиги ҳақидаги ҳикоялари меҳнат тарбияси ва касбга йўналтириш соҳасида муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбек меъморлари ўз ота-оналарининг шаҳарсозлик санъати, миллий ва байналмилал услубини уйғунлаштириш соҳасидаги анъаналарини давом эттириб, ажойиб меъморчилик асарлари яратдилар ва яратмоқдалар. А. Навоий номидаги Катта опера ва балет театри биноси, «Чорсу», «Ўзбекистон» меҳмонхоналари биноси, «Матбуот уйи» Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг биноси ва бошқа кўпгина меъморчилик иншоотлари бунга мисол бўла олади.

Умуман мактабда таъсвирий санъатни ўрганиш жараёнида мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбияси муаммолари маълум даражада ҳал этилади.

Тасвирий санъат машғулотларида меҳнат тарбиясининг самарадорлиги кўп жиҳатдан илмий-методик ва ўқув-тарбиявий ишларнинг тўғри ташкил этилишига боғлиқдир. Меҳнат тарбиясининг самарадорлигини оширишда синфнинг эмоционал (ҳиссий) кайфияти ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Синфда таълимнинг техникавий воситаларидан, айрим асарларни бадиий-ифодали ўқишдан кенг фойдаланиш, турли кўргазмалилик воситалари — диапозитивлар, слайдлар, диафильмлар, расмларнинг репродукциялари, бадиий сурат, кинофильмлар ва ҳоказолардан фойдаланиш, уларни жалб қилиш, айниқса, муҳимдир.

Айрим мактабларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпинча ўқитувчилар ва ўқувчилар санъатга доир тўгарак машғулотларида ўзларининг амалий ишларида турли усуллар ёрдамида (куйдириш, чеканка, инкрустация қилиш ва ҳоказо) расмларнинг репродукцияларини декоратив (манзарали) материалга ўтказадилар. Бундай ишлар болаларни дидсизликка, яхши ва ёмон нарсаларнинг фарқига бормасликка, ўз атрофини қуршаб олган нарсаларга эстетик баҳо бера олмасликка олиб келади. Ўқитувчиларнинг бу хилдаги ишлари меҳнат тарбиясига, хусусан меҳнатга ижодий муносабатда бўлишига зарар етказади.

Мактаб ўқувчиларининг меҳнат тарбиясида ўқитувчининг намунаси муайян роль ўйнайди. Агар ўқитувчиларнинг ўзлари ижодкор бўлсалар, ўқувчиларнинг бадиий ижоди ҳам яхши ривожланади. Бунга биз кузатишларимизда гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу ҳол шундан далолат берадики, биз ўқитувчиларни фақат педагогик ва махсус билимлар билан эмас, шу билан бирга тасвирий ва амалий санъат соҳасидаги амалий кўникмалар ва малакалар билан қуроллантиришимиз зарур.

Тасвирий ва манзарали-амалий санъат машғулотларининг катта имкониятларини ҳисобга олиб, биз бу масалаларга фақат тасвирий санъат дарсларида эмас, балки синфдан ташқари тўгарак машғулотларида, куни узайтирилган гуруҳлар ва мактабларда, факультатив машғулотларда, мактабдан ташқари болалар муассасаларида, махсус бадиий мактабларда ҳам алоҳида эътибор бериш керак, деб ҳисоблаймиз.

**Р. ЭСОНОВ,**
**Тошкент давлат педагогика институти Навоий филиали бадиий тарбия методикаси кафедрасининг тасвирий санъат ўқитувчиси.**

# КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯЛАРИДА

Инсон борки, у ким бўлмасин, ўз олдига мақсад қўяди, келажакка ишонч, эртанги кунни интизорликда кутади. Ахир, орзуга айб йўқ, деб донолар бежиз айтишмаганку! Бахтиёр Юсупов ҳам оддий инсонлардан бири. Лекин у танлаган касб кўпчиликникига нисбатан мураккаброқ, масъулиятлироқ.

Бир неча йилдирки, Бахтиёр Низомий номли педагогика институтини тугаллаб, турли мактабларда расм-чизмачиликдан ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Аниқроғи эса, айни кунда пойтахтдаги С. Раҳимов районининг 28-ўрта мактабида ўқувчиларга дарс бериш билан бирга, рассомлик санъатини ҳам намойиш этмоқда.

— Ҳозирги ёшларга ҳайронсан, — дейди Б. Юсупов. — Негадир улар ҳеч нарсага қизиқишмайди. Амаллаб дарсни тугатиб, кейин кўчаларда, кинотеатр ва яна бошқа жойларда санқиб юришади. Ҳайратланарли жойи шундаки, ота-оналаримиз ҳам ўз фарзандларининг бундай юришларига бепеарво бўлишмоқда. Энг муҳими, ўқувчиларимиз келажакка, ҳаётга, айтиш мумкинки, бўш ҳолда кириб боришмоқда.

Кексаларимиз ҳар йигитга қирқ ҳунар ҳам оз, — дейишади. Мактабимиз раҳбарияти, касаба уюшмаси билан ҳамфикрда бўлиб, дарсдан сўнг тўгаракларни йўлга қўйиш, улар фаолиятини кенгайтиришга келишиб олдик. Қисқа даврда натижа кўзга кўриниб қолди. Хусусан, ўзим бошқараётган рассомчилик тўгарагида иштирак этаётган ўқувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Эндиликда ана шу тўгарагимизга фақат мактабимизнинг ўқувчилари эмас, балки райондаги бошқа кўплаб мактаблардан ҳам қизиққан ўқувчилар келишмоқда. Таътил кунлари бўлишига қарамай, олиб бораётган ишларимизни кўнгилдагидек деса бўлади.

Тўгарагимиз аъзолари шу кунларда турли портретлар, нақш ва безаклар чизиш тўла ўзлаштириб, мустақил иш олиб боришмоқда. Лекин муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, ҳозирги тақчиллик кунларида ўқувчиларимизнинг эркин ишлашлари, ижод қилишлари учун мўйқалам, турли хилдаги, бўёқларнинг етишмаслиги, бир оз бўлса-да, эзгу ишларни бажаришимизга халақит бериб турибди. Лекин бу ўткинчи муаммоларнинг тўсиқ бўлаётганлигига қарамай, ёш ижодкорлар тўгараги тўхтаб қолган эмас...

Рассомнинг мақсади ва эзгу нияти шогирдларини ҳам ўзига ўхшаган билимдон, уддабурон, кўп қиррали инсон қилиб етказишдан иборат эканлигини у олиб бораётган ишлардан ҳам билса бўлади.

Девордаги тасвирлар, инсон қиёфасига чизгилар... Буларнинг барчаси Бахтиёр бошчилигидаги тўгарак аъзоларининг қалб-қўри, машаққатли меҳнати-ла юзага келган. Тўгаракда иштирок этаётган ўқувчилар ҳам устозлари билан биргаликда санъатнинг бу сеҳрли оламига чуқурроқ кириб бориб, камолот пиллапояларини эгаллашмоқда.

Ким билади, дейсиз. Эҳтимол, бугунги изланишнинг натижаси йиллар ўтиши билан ўз самарасини берар. Балки куни келиб ана шу тўгаракда иштирок этаётганларнинг кўпчилиги таниқли, рассом, мўйқалам соҳиби бўлиб, элга танилар. Асосий мақсад эса ҳозирча мактабданоқ талантлиларни излаб топиб, уларни тўғри йўлга бошлашдадир. Қани энди республикамиздаги барча мактабларда ҳам Бахтиёр Юсупов сингари жонкуяр, ишбилармон ўқитувчиларимиз сони кўпаяверса... к

**Суратда: Б. Юсупов ҳамда унинг шогирдлари чизган тасвири акс этган.**

**Сураткаш**
**Х. МИРЗАКАРИМОВ**

# ЗИРҲ

[Боши 3-бетда].

Билмадим, қанча вақт ўтди, кимдир қўлимдан тутди. Бошимни кўтариб жиққа ёшга тўлган кўзларини мендан олиб қочишга уринаётган, номусдан лаблари титраётган Абутолибни кўрдим. Мавжуда хола ҳамон айтиб-айтиб бўзларди. Холбой ака кафтдеккина томорқада пичоқчаси билан пиёз ковлаб оларди. Посилка жўнатиладиган қутига ўхшаш, бироқ ранги қоп-қора қути қўлтиқлаб олган жўрам ишора қилди ва биз ташқарига чиқдик.

* * *

— Жуда таъсирчан экансанку, — деди Абутолиб пешонамга ишора қилиб «қулт» этиб ютинаркан.

Мен елка қисиб қўяқолдимда, ҳали ҳам қон силқиб турган яра ўрнига дастрўмолчамни босдим.

Биз бошқа гап-сўзсиз, аввалдан келишиб олганимизга кўра, Соли жуннинг уйига қараб йўл олдик. Бизни район жун қабул қилиш пункти мудирининг ўзи эмас, унинг ўғли, биздан бир йил олдин мактабни битирган, ҳозирда дорилфунуннинг роман-герман факультетида ўқиётган Зойир «жунинг жулай» қизиқтирарди.

Доим енг ичида зўр ишни битириб қўйгандай, миийғида илжайибгина юрадиган Соли жун пихини ёрганлардан эди. «Битиб кетган»ларнинг манаман деганиниям бир чўқишда қочиришга, остонасига довур тиллодан қилишга қурби етсада, у'қаср қуришдан, қўша-қўша машиналар минишдан ўзини тияр, лекин шу қилганига яраша фарзандларидан ҳеч нимани аямасди. Зойир ҳам студентлик билетига қўшиб мойи артилмаган «06» ва икки хонали кооператив уйнинг калитини олганини уч-тўрт бор оғиз кўпиртириб айтиб қолганди.

Бизнинг замонамизда пул нималарга қодир эмас дейсиз! Фалакнинг беўхшов ҳазилини қаранг, мактабда шунча йил ўқиб, ажнабий тилдан «жун, жулай» (июнь, июль) деган иккитагина сўзни эслаб қолган, уларниям «жунинг жулай» деб айтиб юрадиган, бора-бора бу жумлани ўзига лақаб қилиб орттириб олган Зойир бақалоқ ўнни битиргач, отасининг улкан кафтига шундоққина ўтирди-ю, биз кутганимиздай, ака изидан бориб ҳуқуқшуносликка эмас, инглиз тили ихтисослигига кирди-кетди. Буям майли эди, гапнинг қизиғи кейин чиқди: бақалоғимиз биринчи курсни битиргач, аълочи ўқувчилар сафида Оврупо мамлакатларига сафар қилиб қайтди! Буни эшитиб биз ҳайрат бармоғини тишлаб қолавердик. Соли жун миийғида илжайганча юраверди.

Қудратли падарнинг камтарлигиям бор бўлсин: уй атрофи чир айлантирилиб одам бўйи «хитой девори» билан ўралган бўлса-да, ҳовлисида кўппак асрамас, устига устак, дарвозаси ҳам кун бўйи очиқ турарди.

Дарвоза ёнида янги «Волга»ни кўриб Абутолиб иккаламиз анча берироқдаги қуриган дарахт ёнида, ариқни тўлдириб оқаётган бўтана сув бўйида тўхтадик. Узоқ кутишимизга тўғри келмади. Эртаиндин бўшанадиган аёлдай қориндор, кун иссиқлигига қарамай қора костюм-шим кийиб, энли бўйинбоғ таққан тепакал бир киши чиқиб машинага ўтирди-да, йўлни чангитмасдан, секин ҳайдаб кетди.

— Пунктнинг бош буғалтери. Атаганини ташлаб кетаяпти, — шивирлади тишлари ғижирлаб кетган Абутолиб.

Ҳовлига ҳеч бир тўсиқсиз кириб бордик.

Қасир-қусир ўқ овозлари, қий-чув, бироздан кейин эса шаҳватга чорловчи аёл овози эшитила бошлаган деразадан мўраладим. Зойир баланд суянчиқли юмшоқ креслога чўкканча сигарета тутунига кўмилиб видео томоша қиларди. Айни муддао. Бундан ортиғини буюртма бериб ҳам яратиб бўлмайди. Мен бош бармоғимни кўтариб ишора қилдим. Қўллари титрай бошлаган Абутолиб қора қутидан фотоаппаратга ўхшаш мўъжазгина буюм чиқарди. У аппаратнинг уёқ-буёғини созлаб, объективнинг чангини даструмолчасида артди-да, энгашиб бориб дераза раҳига ўрнатди. Мен симнинг иккинчи учини гараж ёнидаги тўсинга маҳкамланган манбага уладим. Дераза тагида букчайиб ўтирган Абутолиб қўлидаги масофадан бошқарув системасининг қора тугмачасини босди.

Бошланди...

Мен, электромагнит тўлқинлари орқали инсон психикасига вақтинчалик таъсир ўтказа оладиган, жўрам томонидан яхши умидлар билан «ИНСОФ» деб аталган аппаратнинг биринчи ихтиёрий қурбони, агар ўзимга мақбулроқ тарзда айтадиган бўлсам, биринчи синовчиси шўрлик «жунинг жулай» ҳозир не аҳволга тушишини тасаввур этиб бадхоҳлик билан кулиб қўйдим. Қасос дақиқалари етиб келди, мистер бақалоқ! Ҳар нега қодир, имкониятлари бесарҳад деб ўйлаган падаринг паноҳида шу кунгача хаёлингга ҳам келтирмаган, етти ухлаб тушингга кирмаган даҳшат шаробидан бир тотиниб кўр! Сун, соқий, сун!.. Суюкли отанг сенинг иштирокингда ҳам неча бор майин илжайиб туриб айтган «Атаганингни ташла» жумласини энди ўзинг ҳам ўлим таҳдиди ила чоғишган ҳолда бир эшитиб кўр!.. А-ҳа, қандай бўларкан? Чўнтакларингни ковла, студент! Керак бўлса профессор домлаларингникига нисбатан ҳам баракалироқ бўлган чўнтакларингни ковла, шўрлик студент! Ал қасос-ул миналҳақ! Ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатиқнинг пули! Сен биринчи бўлдинг, лекин охиргиси эмассан, сенга ўхшаганларнинг рўйхатини тузиб олганмиз. Тур, изла, топ отанг бурчак-бурчакларга тиқиб ташлаган пачка-пачка пулларни! Топ! Исковуч бўлиб искал..

Биз тантана қилардик. Абутолибнинг ранги оппоқ оқариб кетган, лекин кўзлари чақнарди. Мен эса ҳаяжонданми қалт-қалт титрардим. Нима бўлганда ҳам бу чоқ биз тантана қилардик. Тупурдик Соли жуннинг биздек ҳақирлардан уриб қолиб йиққан ҳаром пулларига! Биз учун ҳозир энг муҳими — маънавий ғалаба! Биз ҳам инсонмиз, ахир!.. Тиз чўк, ялин, ёлвор, йиғла, илтижолар қил, ер ўп, судрал, эмакла, хор бўл, зор бўл, эй умри фароғатда ўтган банда!

Биз тантана қилардик...

Бирдан... бирдан:

— Ҳей, ертешарлар, бўтта нима қивоссанла? — деган таниш хирқироқ овоздан устимиздан совуқ сув қуйилгандай сесканиб кетдик.

Дераза ёнида... аллақачон пойтахт шевасини ўзлаштириб олган, чертсанг қон томгудай юзи йилтираётган Зойир «жунинг жулай»нинг шахсан ўзи бир қўлини белига тираб, иккинчи қўлида «ИНСОФ»ни кўтарганча ғўдайиб турарди!

Қулоққа ғалати эшитиладиган лаҳжада шаънимизга бир қоп нордон сўкишлар янгради ҳамки, биз ҳамон ўзимизга келолмасдик. Абутолиб дераза тагида ер билан битта бўлиб ётар, мен эса ланг очилиб қолган оғзимни қайта ёпиб ололмасдим.

Ниҳоят, нима қилиш лозимлигини сал фаҳмлаб, симни манбадан суғурдиму аппаратни бақалоқнинг қўлидан юлиб оласола қора қутисиниям унутган қўйи кўчага отилдим. Қизиб кетган «ИНСОФ» қўлларимни куйдирарди. Бундан беш-ўн минут бурун кузатув пунктимиз бўлган дарахт ёнига келиб аппаратни майсалар устига ташлабоқ қўлларимни сувга тиқдим. Билакларимда бир зумда оппоқ пуфакчалар пайдо бўлди. Алағда кўнглимни баттар ғашлаб ўн дақиқача фурсат ўтди. Охири энди шу томон юрай деб қўзғалаётган чоғимда кутилмаган зарбадан эс-ҳуши оғиб қолгандай гаранг аҳволга тушган Абутолибни Зойир турта-турта ҳайдаб чиқди. Бақалоқ уёқ-буёққа аланглаб, кўчада мендан бошқа тирик жон йўқлигини кўргач, мўлжаллаб туриб Абутолибнинг орқасига бир тепган эди, жўрам бечора тупроқ йўлга юзтубан қулади.

Дарвозанинг қўш тавақаси тарақлаб ёпилди. Мен нима қиларимни билмасдан қайтиб жойимга ўтирдим. Абутолиб қийналиб ўрнидан турди. Унинг тупроққа беланган афтига, уст-бошига қараб бўлмасди. Жўрам ёнимга келди. Ўтирди. Мен бирон нима дейишга журъат қилмадим. Кўз қиримни ташлаб Абутолибнинг тупроқ чапланган юзида икки томчи ёш нам из қолдирганча милдираб тушаётганини кўрдим-у, кўзларимга қуйилиб келган алам, хўрлик ёшларини тийиб тура олмадим. Биз, эрта-индин солдат бўлиб юртни қўриқлайдиган иккита каткатта йигит, катта йўл бўйида, қуриб қолган дарахт ёнида, ариқни тўлдириб оқаётган бўтана сув бўйида сассиз, кўз ёшларимизни артмасдан, улкан ва шафқатсиз дунёнинг изидиҳомига тушиб қолган ожиз гўдаклардай узоқ йиғладик...

Тўсатдан Абутолиб ирғиб ўрнидан турди-да, аппаратнинг симидан ушлаб қулочкашлаб айлантира-айлантира жон-жаҳди билан қуриган дарахт танасига урди. «ИНСОФ»нинг синган линза парчалари ҳар томонга сочилиб кетди, ўзи эса трактор балони остида қолган консерва банкасидай бужмайиб қолди. Масофадан бошқарув системасининг қисмати ҳам шу бўлди. Ва ниҳоят иккаласи ҳам ариққа ирғитилди.

Юз-қўлимизни чайиб олдиқ. Сувда туз кўп эди, бирпасда песларга ўхшаб ола-була бўлиб қолдик.

— Қўявер, — дедим энди юпатишнинг мавриди келгандир деб ўйлаб, — бунга ўхшаганларнинг ёғ босиб кетган асаб томирларига тўлқин таъсир қилармиди...

—...

Бошини эгиб кетаётган Абутолиб муюлишга етганида кескин ортига ўгирилди-ю, Соли жуннинг уйи томон муштини кўтарганича бутун кучани бошига кўтариб бақирди:

— Биз ҳали яна учрашамиз!

Шу лаҳзаларда унинг важоҳати қўрққулик эди...

Кечқурун кўчадан ҳуштак эшитилди. Чиқсам Абутолиб асабий тарзда уёқдан-буёққа бориб келаяпти.

— Биласанми, — деди у ҳовлиқиб, — менимча, биз юборган тўлқинларни олтин ўзига ютган...

Мен эсладим: Зойирнинг муҳрли тилла узугидан ташқари тилла соати, бўйнига осиб олган тилла занжирчаси бор эди. Яна Овруподан бир қулоғига сирға тақишдек ғалати одатни ҳам ўрганиб қайтганди шекилли.

— Хўш?

— Ҳеч нима.

Абутолиб қайтиб кетди. Менга унинг бесаранжом кўзлари ёқмади.

* * *

Орадан икки ҳафта ўтди. Ҳарбий комиссариатда бизни кўрикдан ўтказган медицина комиссияси йўлланмаси билан вилоят шифохонасида ётиб чиқдим. Сунъий витаминли уколларга «тўйиниб», буйрак тошимни олдириб қайтаётган эдим. Автобусдан тушган маҳалимиз қишлоқдан чиққан «Тез ёрдам» машинаси бизни чангга кўмиб ёнгинамиздан шитоб билан ўтиб кетди. Одамлар бир-бирларидан нима гаплигини сўраб-суриштира бошлашди. Бекат ёнидаги бетон супачада ўтирган мўйсафид менга ишора қилди.

— Манави ўғлим қатори бир бола ақлдан озиб қолипти.

— Кимнинг боласи экан? Оти нима экан? — чувиллашиб мўйсафидга савол ёғдиришди йўловчилар.

— Отини билмадим, болаларим, отасиниям. Ишқилиб, бир мусулмоннинг фарзандида.

Юрагим симиллаб оғриб кетди. Уй томон чопдим...

**Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ,**

## МУНОСИБ НОМ

САМАРҚАНД. Челак районига қарашли Н. Азимов номидаги жамоа хўжалигида жойлашган I-ўрта мактаб бир неча ўн йиллар давомида Эрнест Тельман номи билан аталарди. Эндиликда мазкур мактаб бутун умрини халқ ташвиши билан ўтказган, қатор мактаблар қурилишига бошчилик қилган челакликларнинг севикли фарзанди Саидаҳмад Махсудов номи билан юритиладиган бўлди.

**А. ОЧИЛОВ.**

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Маҳкам РАҲМОНОВ.**

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти раҳбарияти, жамоат ташкилотлари ҳамда халқ таълимини илмий бошқариш кафедраси жамоаси, шу кафедра доценти, педагогика фанлари номзоди Абдуманноп Тожиевга ҳаётда ибратомуз умр кечирган, савобли ишлар билан ҳурматга мушарраф бўлган падари бузруквори

**Абдуғани ТОЖИЕВнинг**

бандаликни бажо келтирганлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради, марҳумнинг оила аъзоларига сабр-тоқат тилайди.

---

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректорати ва математика куллиёти жамоаси, информатика ва ҳисоблаш техникаси кафедрасининг мудири, техника фанлари доктори Маҳкам Зиёхўжаевга волидаси

**Хонимбиби АВЛИЁХУЖАЕВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

---

Тошкент вилояти давлат педагогика институти жамоаси Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасининг доценти, тарих фанлари номзоди

**Ўроздиддин Нуриддинович ЭГАМБЕРДИЕВнинг**

вафот этганлигини қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г—300 ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.30. тираж 29251

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12